

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 312-ҳадис

312 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَاللَّهِ لَا يُؤْمِنُ، وَاللَّهُ لَا يُؤْمِنُ، وَاللَّهُ لَا يُؤْمِنُ» قِيلَ: مَنْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «الَّذِي لَا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقِهِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ الأَدَب: باب إِثْمٍ مِنْ لَا يَأْمَنُ جَارَهُ بَوَائِقِهِ، تَعْلِيْقًا].

وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ: «لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ لَا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقِهِ». [م 46].

«البَوَائِقُ»: العَوَائِلُ وَالشُّرُورُ.

312. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳга қасамки, мўмин эмас! Аллоҳга қасамки, мўмин эмас! Аллоҳга қасамки, мўмин эмас!» деганларида, «Ким у, эй Аллоҳнинг расули?» дейилди. Шунда у зот: **«Ёмонликларидан қўшниси омонда бўлмаган кишидир»**, дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Муслимининг ривоятида: **«Ёмонликлардан қўшниси омонда бўлмаган киши жаннатга кирмайди»**, дейилган.

Шарҳ: Қўшни ҳаққига эътиборли бўлмоқ, қўл ва тил билан қўшниларга азият, озор етказадиган ҳаракатлар қилмаслик динимиз буюрган муҳим амрdir. Мусулмон қўшниси билан яхши муомала қилиши ва мусибатларда елкама-елка турмоғи даркор. Бу хусусда қатор ҳадислар мавжуд:

- Ёмонлигидан қўшниси қутулмаган одам мўмин бўлолмайди.
- Аллоҳга ва охиратга ишонган одам қўшнисини ранжитмасин.
- Қиёмат кунда илк даъвогарлар қўшнилари бўлишади.
- Аллоҳ ва Расулини севган, уларнинг ҳам севишини истаган киши қўшнисига рост гапирсин, омонатга риоя қилсин ва қўшниси билан яхши муомалада бўлсин.
- Ёмон қўшни кўрган яхшилигини яширади, ёмонликни ёяди.
- Қўшнига ҳурмат онага ҳурматдек бўлмоғи даркор.
- Қўшнининг итини урган эгасини ранжитгандек бўлади.
- Яхши қўшни, маъқул улов, кенг ва қулай уй кишининг бахтидир.
- Аллоҳни севган инсон ёмон қўшнининг азиятларига ўлгунча чидаган инсондир.
- Жаброил алайҳиссалом қўшни ҳақида шу қадар кўп гапирдики, қўшни қўшниси меросидан улуш оладими, деб ўйладим.
- Кўп намоз ўқиган, рўза тутган, садақа берган, бироқ тили билан қўшнисига озор етказган одамнинг борадиган жойи жаҳаннамдир.

Манба: hadis.islom.uz

